

---

## 03/07/2024 ИШСИЗ ЁШЛАРНИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда бўлгани каби Бағдод туманида ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, ўз имкониятни салоҳиятини юзага чиқаришига кўмаклашишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бугун, ўтган давр мобайнидаги хатлов жараёнларида аниқланиб ишсиз сифатида белгиланган 20 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлашга эришилди.

Тумандаги “Мурувват” ёшлар кичик саноат зонасида жойлашган “DEMUX 777” МЧЖ томонидан тайёрланган хўжалик совуни ишлаб чиқариш ускунаси касаначилик йўналишида ўз фаолиятларини бошлаётган бағдодлик ёшларга айни муддао бўлди десак муболаға бўлмайди. Энди улар ўзга юртлардан иш изламай оиласига даромад келтирадилар.

Субсидия асосида берилган ушбу ускуналарни ёшларга туман ҳокими ўринбосарлари билан биргаликда тумандаги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимни ҳодимлари, Ёшларни иш билан таъминлаш ишчи гуруҳи аъзолари топширишди.

2024-07-04 17:21:10